

## “ОНА ТИЛИ”, “ИККИНЧИ ТИЛ” ВА “ЧЕТ ТИЛИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УЛАРИНИНГ КЎП ТИЛЛИЛИК МУҲИТИДАГИ ЎРНИ

Мухитдинова Хадича Собировна  
педагогика фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
[muxitdinovaxadichas@gmail.com](mailto:muxitdinovaxadichas@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада жамиятда икки тиллилик – билингвизм, кўп тиллилик плурингвуализм ходисалари “она тили”, “иккинчи тил” ва “чет тили” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, кўп тиллилик муҳиtida фаол ва нофаол икки тиллиликда меъёрийлик масалалари, икки тиллиликнинг ривожланиш тенденциялари хусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар.** *Икки тиллилик, кўп тиллилик, “она тили”, “иккинчи тил”, “чет тили” тушунчалари, фаол ва нофаол икки тиллилик, лисоний шахс, мукаммал иккиламчи лисоний шахс, зарурий иккиламчи лисоний шахс, бир томонлама ва икки томонлама меъёрий икки тиллилик.*

**Abstract.** The article discusses the phenomena of bilingualism - bilingualism, multilingualism - plurilingualism in society, the essence of the concepts of "mother tongue", "second language" and "foreign language", normative issues in active and passive bilingualism in a multilingual environment, trends in the development of bilingualism.

**Keywords.** *Bilingualism, multilingualism, concepts of "mother tongue", "second language", "foreign language", active and passive bilingualism, linguistic identity, perfect bilingual identity, essential bilingual identity, unilateral and bilateral normative bilingualism.*

**Абстракт.** В статье рассматриваются явления двуязычия - двуязычия, многоязычия - плюрилингвизма в обществе, сущность понятий «родной язык», «второй язык» и «иностранный язык», нормативные вопросы активного и пассивного двуязычия в многоязычной среде, тенденции в развитии двуязычия.

**Ключевые слова.** *Двуязычие, многоязычие, понятия «родной язык», «второй язык», «иностранный язык», активное и пассивное двуязычие, языковая идентичность, совершенная двуязычная идентичность, эссенциальная двуязычная идентичность, односторонний и двусторонний нормативный билингвизм.*

Жамиятда икки тиллилик – билингвизм, кўп тиллилик – плурингвуализм ходисалари, икки ва кўп тиллиликнинг шаклланиши нафақат тилшунослик доирасида, балки социолингвистика, психолингвистика, нейролингвистика ва чет тилларини ўқитиш методикасида ҳам ўта муҳим ва долзарб масалалардан бўлиб, борган сари тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб бормоқда. Бу, бир

томондан, кўп тиллиликнинг жамиятда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётгани, икинчи томондан эса, кўп тилли шахсда бир нечта тилларнинг ишлаши жараёни қандай кечиши, кўп тилликнинг мия фаолиятига таъсири масалалари ҳали тўлиқ ўрганилмаганлиги билан изоҳланади.

Икки тиллилик тарихан анча қадимий бўлиб, унинг илдизлари отабоболаримизга бориб тақалади. Жумладан, бизнинг кўҳна юртимиз саналмиш Мовароуннахрда қадимдан ўзбек-форс, ўзбек- араб, ўзбек-қозоқ, ўзбек- қирғиз, ўзбек-туркман, ўзбек-уйғур, ўзбек-татар икки тиллиги кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик булар қаторида ўзбек-рус билингвизми ҳам кўшилди. Минтақамизда икки тиллилик зуллисонанлик деб аталиб, Ал Форобий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аз Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби буюк алломаларимиз ўз она тилларидан ташқари араб, форс тилларини мукамал билишган. Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ва бошқа шоирларимиз нафақат туркий тилда, балки форс-тожик тилида ҳам ижод қилган. Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида давлат муассасаларида иш юритиш бир неча тилда олиб борилган. X асрда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академиясида, XV асрда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида таълим араб ва форс тилларида олиб борилган. Аждодларимиздаги зуллисонанлик қобилияти ва бир нечта тилларни мукамал билишга интилиш уларга шу тилларда яратилган асарларни ўқиб-ўрганишлари учун катта имконият берган.

Зуллисонанлик, яъни икки тиллилик аънанаси минтақамизда ҳозирги кунга қадар давом этиб келади ва бугунги кунда республикамизда нафақат қардош тиллар, яъни ўзбек ва бошқа туркий тиллар ўртасида, балки турли тузилишли ноқардош тиллар, жумладан, ўзбек-тожик, ўзбек-рус тиллари билингвизми ҳам кенг тарқалган. Мамлакатимизда яшовчи 130 дан ортиқ миллатларнинг кўпчилиги туркий тилларда ва рус тилида сўзлашувчилар бўлгани боис республикамизда умумий ўрта таълим босқичида таълим 7 тилда: ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларида, ўрта махсус ва олий таълим босқичида таълим 2 тилда: ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон Республикасида эса таълим қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида олиб борилиши йўлга қўйилган. Республикамизда яшовчи барча миллатлар ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлашадилар, туркий тилли миллатлар ўртасида ўзбек-қозоқ, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қирғиз, ўзбек-туркман, ўзбек-уйғур, ўзбек-татар, ўзбек-озарбайжон билингвизми, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва бир қатор вилоятларда эса ўзбек-тожик билингвизми кенг тарқалган. Кейинги йилларда узоқ хорижий тиллар, хусусан, инглиз, хитой, корейс, араб каби тилларни ўрганишга интилиш кучайиб бормоқда ва ёшлар ўртасида ўзбек-инглиз, ўзбек-хитой, ўзбек-корейс, ўзбек-араб билингваллиги ҳам тарқалиб бормоқда.

Кўп тиллилик эса нисбатан ёш жараён бўлиб, бу соҳанинг фаоллаши жаҳондаги глобаллашув жараёни билан боғлиқ. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, билингвизм одатда кичик ёшдан ривожланади, кўп тиллилик эса катта ёшлилар

орасида кўпинча касбий-соҳавий эҳтиёж туфайли юзага келади. Кўп тиллиликни филологик йўналишдан ҳам кўра нофилологик йўналишларда амалий аҳамиятлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди ва нофилологик ОТМларда соҳавий тил фанларининг юзага келишига олиб келди. Бу эса айнан шу соҳавий тил фанларини ўқитадиган касбий-соҳавий ва тил билимига эга мутахассисни етиштириш учун махсус педагогларни тайёрлаш масаласини бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммосига айлантирди. Ўзаро ахборот алмашиш, маълумот, билим олишда тилнинг нафақат филолог, тилшунослар, балки барча касб эгалари орасида асосий восита бўлиб хизмат қилиши бугунги кунда болаларга кичик ёшидан бошлаб хорижий тилларни ўргатиш ва уларни кўп тиллилик муҳитида турли тилларда эркин мулоқот юрита олиш фаолиятига тайёрлаб боришни давр эҳтиёжига айлантирди.

**Она тили** аслида рамзий маънодаги атама бўлиб, у ҳар бир инсон мансуб бўлган миллатнинг тилидир, яъни муайян халқнинг ўз тилидир. Шу боис ҳар бир миллат фарзандлари мактаб таълимида ўрганадиган дастлабки ва асосий тил илми “Она тили” деб аталади. Ҳар бир шахснинг она тили унинг феномен бўлиб шаклланишида асосий омил ҳисобланади. Биз она тили орқали дунёни англаймиз, шу тил асосида миллий ва маданий қадриятларимизни идрок этамиз. Тил ҳар бир миллатнинг ўй-фикрлари, қарашларининг ифодачисидир, тил орқали миллат фарзандлари таълим олади, миллатни дунёга танитишга хизмат қилади. Буюк файласуф В. Гумбольдт айтганидек, *“Til xalqlar ruhining zohiriy namoyon bo‘lishidir: xalqning tili uning ruhidir va xalqning ruhi uning tilida namoyon bo‘ladi. Millatning xarakterini uning xulq-atvori, odobi, hatti-harakatlaridangina emas uning tilidan bilish osonroq”* [1, 68.]. Демак, ҳар бир халқ, миллатнинг она тили асосий таълим воситаси сифатида ўша жамиятнинг ривожланишига хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув даврида дунё ҳамжамиятида мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг кучайиши, илм-фан соҳасидаги ҳамкорликлар, шахс эркинлигининг кучайиши, илм-фан ривожланган давлатларда таълим олишга интилиш миллатларнинг турли мамлакатларда истиқомат қилиши ва фаолият юритишига олиб келмоқда. Дунё мамлакатларининг жуғрофий харитасида халқларнинг этнографик таснифий белгилари социолингвистик жиҳатдан тобора муҳимлик касб этиб бормоқда. Кўп миллатлилик туфайли юзага келган кўп тиллилик ва унинг оқибатида юзага келган экзоглосс вазият (бир жамиятда турли тиллар амал қилиш вазияти) деярли барча кўп миллатли мамлакатларнинг асосий хусусиятига айланди. Чунончи, республикамизнинг расман қабул қилинган давлат тили ўзбек тили бўлса-да, юртимизда истиқомат қилаётган қардош халқлар: қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, татар, уйғур, озарбайжон, турклар ва ноқардош халқлар: руслар, тожиклар, корейс, украинларнинг тиллари ҳам ўзаро муомалада эркин қўлланади. Бу Ўзбекистон ҳудудида икки ёки кўп тиллиликни юзага келтирган бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси давлат тили ҳисобланувчи

Ўзбек тилида, ўз она тилларида ва халқаро мулоқот тили ҳисобланувчи рус тилида эркин мулоқот юритишади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни асосида узлуксиз таълим босқичлари – умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тили (шунингдек, рус тили ҳам) она тили ва ўзга миллатлар вакилларига эса иккинчи тил сифатида ўқитилади. Таълимнинг ушбу фарқли жиҳатидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактаблари таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ва таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларга ажратилади. Бунда, албатта, биринчи йўналиш кўлам жиҳатидан анча устуворликни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, бошланғич таълимдан олдинги мактабгача тарбия ташкилотлари ва умумий ўрта таълимдан кейинги босқичларда рус гуруҳлари ва ўзбек гуруҳларининг фаолияти ҳам айнан тил билан боғлиқ ва уларда аҳоли эҳтиёжи, хоҳишидан келиб чиқиб, ўзбек, рус ва чет тилларидан бири асосий, қолгани иккинчи тил сифатида ўргатилади. Шу ўринда иккинчи тил тушунчасига тўхталиб ўтсак.

**Иккинчи тил** тушунчаси қўлланишига кўра турли маъноларни англатади. Ўзбек тили мамлакатимизда яшаётган барча миллатлар учун иккинчи тил ҳисобланса, ўзбекларнинг ўзи учун эса рус тили иккинчи тил ҳисобланади (бунга изоҳнинг кераги йўқ, бизнингча). Шундан келиб чиқиб, иккинчи тил ўзи учун она тили бўлмаган, лекин ўзи яшаётган мамлакатнинг асосий тилини тил муҳитида ўрганишни англатади. Шунингдек, филологик олий ўқув юртларида ҳам иккинчи тил тушунчаси мавжуд бўлиб, бунда мутахассислик тили сифатида ўрганилаётган чет тилидан ташқари яна бошқа бир тилни ўрганиш тушунилади. Чунончи, мутахассислик тили инглиз тили бўлса, нуфузли халқаро тиллардан бирини (масалан француз ёки немис тили) ўрганиш иккинчи тил таълими бўлади. Демак, иккинчи тил тушунчаси шахс учун зарурий, ихтиёрий ва баъзан ўрганилиши шарт қилиб қўйилган яна бир қўшимча тилни англатади. Таъкидлаш керакки, ўзга бир тилни, яъни иккинчи, учинчи тилларни билиш инсонга ортиқчалик қилмайди, аксинча, у оламни янада ёрқинроқ кўришга имконият яратади, бироқ иккинчи тилнинг мавқеи ҳеч қачон она тили мақомига тенглаштирилмайди.

**Чет тили** тушунчаси нотил муҳитида ўрганиладиган хорижий мамлакатлар тилларини англатиб, ўзбек халқи учун қардош туркий тиллардан ташқари дунёда мавжуд бўлган барча тиллар чет тили ҳисобланади. Одатда, савдо-сотик ва дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш масадида ҳар бир мамлакат халқи жаҳон миқёсида кенг тарқалган халқаро тилларни (масалан, инглиз, немис, француз, рус, араб тилларини), яқин қўшни давлатлар тилини (масалан, хитой, корейс тилларини) ўрганишга ҳаракат қилади.

Билингвизм ҳодисаси социолингвистиканинг муҳим ижтимоий-лисоний масалаларидан бири бўлиб, жамиятда қўлланиши нуқтаи назаридан у фаол ва нофаол икки тиллилик турларига эга. Икки тиллиликнинг **фаол икки тиллилик** тури ўз она тили билан ўзга тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари бир хил даражада



Ўзлаштирган шахслар нутқига хос бўлиб, бунга ўзбек ва тожик тилларида бир хил маҳорат билан ижод қилган мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг зуллисонайнлик маҳоратлари мисол бўла олади. Бутун дунё эътирофига сазовор бўлган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам ўз асарларини қирғиз ва рус тилларида ёзган. Ўзбек халқининг сеvimли ёзувчиси Шароф Рашидов ўзбек тилида бадий асарлар ёзиш билан бир вақтда ҳукумат раҳбари сифатида рус тилида тўлиқ иш юритган.


Икки тиллилик шароитида бири бошқасидан фарқ қилувчи икки хил вазият мавжуд бўлиб, биринчисида ўзга тилда бўладиган мулоқотда ўз тилнинг, яъни она тилининг лисоний хусусиятлари устувор бўлса, иккинчисида, аксинча, мулоқот юритишда ўзга тилнинг лисоний хусусиятлари устуворлик қилади. Нофаол икки тиллиликда ана шу вазиятлардан бири ҳукмрон бўлса, фаол икки тиллиликда кўрсатилган вазиятнинг ҳар иккиси тенг даражада амал қилади

Фаол икки тиллиликда билингв она тилиси бўлмаган ўзга тилда ҳам эркин ва мустақил сўзлаша олади, ўзга тилдаги материалларни ўқиб тушунишдан ташқари, ўзи ҳам шу тилда имло ва пунктуацион қоидаларига риоя қилган ҳолда, тўғри ва саводли ёза билади. Бироқ икки тиллиликнинг бу тури кенг тарқалган эмас, чунки бундай имкониятга эга бўлган кишилар кўп эмас. Одатда, аксарият билингвлар махсус филологик маълумотга эга бўладилар.

П.Оманов ўз тадқиқот ишида турли тиллар вакиллари муносабатларини тўлақонли амалга оширишда маданиятлараро муносабатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, чет тилини ўрганувчи тили ўрганилаётган мамлакат маданиятига ҳам кириб борса, тили ўрганилаётган мамлакат турмуш тарзи, шу халқнинг маданий кадриятлари билан яхши таниш бўлсагина икки тил соҳибига айланиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг қайд этишича, тил ва маданият ахборотни кодлаш воситаси бўлиб, талабаларда янги олам тимсолини ҳам шакллантиради. Иккинчи тил соҳибидида ўз маданиятидаги бирламчи олам манзараси бегона тилдаги иккиламчи олам манзараси билан қиёсланади. Чет тили ва шу тил эгаларининг маданиятини ўрганишда юзага келадиган иккиламчи олам манзараси – бу шунчаки тилда акс этувчи манзара бўлиб қолмай, балки тил орқали ифодаланувчи ва тил ёрдамида яратиладиган лисоний манзара бўлиб, ушбу психологик омиллар **иккиламчи лисоний-маданий шахснинг шаклланишига олиб келади** Бу жараёнда иккинчи лисоний маданий шахс қиёфаси компонентларини ва уларни шакллантириш жараёнини у қуйидагича тавсифлайди [2, 24-25]:

## Лисоний-маданий шахс портрети компонентларининг шаклланиш жараёни

Иккиламчи лисоний шахсни шакллантириш фикри 3. Дорней ва Э. Ушоида



3

тадқиқотларида ҳам илгари сурилган бўлиб, улар тил ўрганувчи ўзида келажакда қандай мутахассис бўлиб етишишини олдиндан режалаштириши орқали мотивацион муҳитга тушиб қолиши ва натижада иккиламчи шахс шаклланиши рўй беришини таъкидлайдилар. Жумладан, З. Дорне ўзи илгари сурган иккиламчи лисоний шахс шаклланишининг мотивацион тизимида куйидаги уч жиҳатни алоҳида ажратиб кўрсатади:

**1. Мукамал иккиламчи лисоний шахс** - тил ўрганувчи ўзини иккинчи тилни мукамал эгаллаган шахс сифатида тасаввур қилиши, бу жуда кучли мотивация бўлиб, тил ўрганувчи ҳозирги кўникмалари ва тилни мукамал эгаллагандаги кўникмалари орасидаги тафовутларни қисқартиришга ҳаракат қилади.

**2. Зарурий иккиламчи лисоний шахс** - тил ўрганувчи сифатида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган тил кўникмаларини эгаллаш орқали юзага келади.

**3. Иккинчи тилни тил муҳитида ўрганиш** – бу бевосита тилни ўрганиш муҳити ва тажрибаси билан боғлиқ ҳолда амалга ошади [3, 364].

Қайд этиш керакки, жаҳондаги глобаллашув жараёни ва халқаро жамиятда мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий алоқаларнинг кучайиши халқаро тилларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириб юборди. Турли соҳаларда ўзаро мулоқот юритиш, илм-фан соҳасидаги янгиликлардан тезроқ бохабар бўлиш, уларни амалиётга тезроқ жорий қилиш эҳтиёжи бугунги кунда

халқаро тиллар, хусусан, инглиз тилини ўрганишга мотивацияни жуда кучайтириб юборди. Инглиз тилининг жаҳон ҳамжамиятида ҳам мулоқот юритиш, ҳам илм-фан тили сифатида юқори мавқега чиқиб олиши, ўз-ўзидан, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларда соҳавий инглиз тилини ўқитиш орқали ҳам мутахассислик соҳасини, ҳам инглиз тилини биладиган рақобатбардош кадрларни етиштириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Соҳавий инглиз тилини ўрганиш, ҳатто бу юзасидан илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб бориш ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди [4].

Кўринадики, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда кўп тиллилиikka интилмоқда. Табиий эҳтиёж туфайли юзага келган кўп тиллилиик муҳити касбий мутахассислик билан бир қаторда халқаро тилларни юқори даражада эгаллаш ва жаҳондаги энг янги илмий-назарий қарашларни ўзлаштириш асосида ўз касбий кўникма-малакаларини мунтазам ривожлантириб боришни тақазо этмоқда. Умумжаҳон пандемияси даврида тиббиёт мутахассисларининг шифо чораларини топиш йўлидаги илмий ҳамкорлиги, ўзаро тажриба алмашиш ҳаракатларида халқаро тилларни билувчи мутахассисларнинг ўрни нақадар муҳимлиги барчага аён бўлди. Шу боис ҳозирги кунда республикамиз таълим соҳасида соҳавий тил таълимини кучайтиришга ва нафақат тилларни ўргатишга ихтисослашган филологик олий таълим муассасаларида, ҳатто нофилологик йўналишларда ҳам тилларни ўрганишни кучайтириш, мутахассислик фанларини чет тилларда ўқитишни ташкил этишга, шу мақсадда чет эллик мутахассислар ҳам таълим жараёнига жалб қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Кўринадики, фаол икки тиллилиик аксарият ҳолатларда давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва кўп тиллилиик томон ўсиб боради.

**Нофаол икки тиллилиик.** Икки тиллилиикнинг бу тури иккинчи тилни қисман ўзлаштирган шахслар нутқида учрайди. Нофаол икки тиллилиикда билингв, яъни икки тил соҳиби ўзга тилни бир томонлама ўзлаштирган бўлади: ўзга тилда гапирган шахснинг фикрини тўлиқ тушунади, лекин унга шу тилда жавоб қайтара олмайди. Масалан, рус ва ўзбек тил жамоаларига қарашли икки киши мулоқотга киришди дейлик. Ўзбек тили жамосига мансуб шахс рус тилидаги информацияни тушунган ҳолда қабул қила олади, бироқ у ўз фикрини рус тилида тўлиқ баён қила олмайди. Ўз навбатида, рус жамоасига мансуб шахс ҳам ўзбек тилида баён қилинган фикрни тушунади, бироқ ўз фикрини адресатга ўзбек тилида баён эта олмайди. Иккинчи тилни шу тарзда бир томонлама билиш нофаол, яъни пассив икки тиллилиик дейилади.

Икки тиллилиикнинг фаол ва нофаол амали бевосита ва билвосита тил контактлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Фаол икки тиллилиик бевосита тил контакти шароитига хос бўлса, нофаол икки тиллилиик билвосита тил контактлари билан алоқадордир. Билвосита тил контакти табиий тил муҳитининг мавжудлиги, оммавий ахборот воситалари: газета ва журналлар, телевидение, интернет орқали чет тилларида бериладиган информатив материаллар билан боғлиқ бўлиб, билингв ушбу

материаллар мазмунини ўқиб тушунади, улар мазмунини қисқа баён эта олади, бироқ шу тилда эркин гапира олмайди ёки ёза олмайди.

**Меъёрий икки тиллилик.** Меъёрий икки тиллилик саводхон шахслар нутқига хос бўлиб, бунда билингв ўз она тили ва она тили саналмаган иккинчи ўзга тилнинг фонетик, луғавий, грамматик қонун-қоидаларини меъёрий ўзлаштирган бўлади. Шунинг учун икки тиллиликнинг бу тури филологик билимга эга бўлган, зиёли ва саводхон шахслар учун хосдир. Меъёрий икки тиллилик икки томонлама меъёрий икки тиллилик ва бир томонлама меъёрий икки тиллилик кўринишларига эга.

**Икки томонлама меъёрий икки тиллилик** билингвнинг ўз она тилини ва она тили саналмаган ўзга тилни саводли ўқиб-ўзлаштирганлигига асосланади. Юқорида таъкидланганидек, мутафаккир бобомиз Алишер Навоий, ёзувчи Чингиз Айтматовларнинг тил амалиётидаги қобиляти ва маҳоратида меъёрий икки тиллиликнинг икки томонлама турини кўриш мумкин. Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов таржимасида ...нинг “Азгануш” шеъри аслиятдан ҳам юқори баҳоланган. Бугунги кунда ҳам икки тилни юксак даражада ўзлаштирган шахслар кам эмас. Икки тилда бир хилда саводли иш юритадиган ўқитувчилар, шифокорлар, журналистлар, суҳандонлар ва бошқа турли касб эгалари, бошқарув тизимидаги раҳбар ходимларнинг иш фаолиятида ҳам меъёрий икки тиллиликнинг икки томонлама амалини кўриш мумкин.

**Бир томонлама меъёрий икки тиллилик.** Меъёрий икки тиллиликнинг бу турида билингв икки тилдан бирини саводли ўзлаштирган бўлади. Одатда, билингвлар ўз она тилининг адабий меъёрларини яхши биладилар ва мулоқот жараёнида она тилининг фонетик, луғавий-семантик, грамматик қонун-қоидаларига тушуниб риоя қиладилар. Улар иккинчи тилда оғзаки сўзлашув жараёнида эркин нутқий мулоқот юритсалар-да, иккинчи тилнинг фонетик, луғавий-семантик ва грамматик меъёрларини тўлиқ ўзлаштирамаганлари боис, айрим хатоларга йўл кўядилар, бу айниқса ёзма нутқда тўлиқ намоён бўлади. Жамиятда тўлиқ меъёрий икки тиллиликка қараганда бир томонлама меъёрий икки тиллилик кўп учрайди.

Бизнингча, меъёрий икки тиллиликда нафақат шахснинг икки тилда сўзлашишини, балки шу тилда фикрлашини ҳам тушунмоқ керак. Агар шахс икки тилда сўзлашса-ю, бир тилда идрок этса, ўйласа, бундай шарт-шароитда у аввал идрок этган нарсани, фикрини дастлаб ички нутқ жараёнида иккинчи тилга таржима қилиши, кейин мулоқотга чиқариши керак бўлади. Бу ҳолат нутқий мулоқотда айрим ўринларда тўхталиб қолишга, керакли ифода шаклини топа олмай она тилидаги ёки бошқа тиллардаги сўзни қўшиб ишлатишга олиб келади, яъни нутқдаги изчилликнинг сусайишига олиб келади. Икки тилли шахс ўз она тилида ҳам, иккинчи тилда ҳам идрок этса, фикрлай олсагина, у ҳар икки тилда тенг даражада эркин ва осон гапирадиган шахс ҳисобланади. Бунга эришиш учун иккинчи тил кўникмаларини эрта болалаикдан бошлаш ва она тили ҳамда ўрганилаётган тилда мунтазам сўзлашиб туришни таъминлаш керак бўлади.



Тилларда мулоқот юритишда меъёрийликнинг бузилиши, яъни у ёки бу тилга устуворлик берилиши болада бир томонлама меъёрий икки тиллиликнинг юзага келишига олиб келади. Бунинг ёрқин мисолини, чет мамлакатларда яшаётган ватандошларимизнинг фарзандлари ўша мамлакат тилини ўрганишга куч бериши оқибатида ўз она тилларини унутиб қўяётганликларида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон таълим тизими расмий асосда икки тиллиликка асосланмаган бўлса-да, бироқ жамиятда шахсларнинг ўзаро мулоқотида, таълим жараёнида икки тиллилик тўлиқ амал қилмоқда. Мамлакатимизда яшайдиган турли миллатлар вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг тили ва маданиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида байналминал марказлар фаолияти йўлга қўйилган, улар ўз оммавий ахборот воситаларига эга, аҳоли ўз хоҳиш-истаги билан фарзандларини ўзбек- рус, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қозоқ, ўзбек-тожик, ўзбек-қирғиз, ўзбек-туркман мактабларига берадилар. Бунга тўлиқ шароит туғдириш мақсадида мактаб дарсликлари 7 тилда чиқарилади, ҳатто қорақалпоқ тили Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тили деб эълон қилинган.

Мамлакатимизда болаларга мактабгача таълимдан бошалаб икки тиллиликни шакллантириб ва ривожлантириб бориш, болаларимиз мактабгача ёшидан меъёрий икки тиллиликни эгаллашлари учун бошланғич имкониятларни яратиб бериш ва уларнинг кўп миллатлилик ва кўп тиллилик шароитида муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаш борасида туб ислохотлар амалга оширилди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, чет тилини ўргатишда энг катта қийинчилик - инсоннинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, иккинчи ёки хорижий тилни ўрганиш қанча эрта бошланса, шунча самарали бўлади. Бунда айниқса халқаро тилларни пухта ўрганиш илм-фан соҳасидаги катта муаммоларини тушунишга, инсоният учун энг муҳим жараёнлар ва ҳодисаларни чуқур англаб етишга ёрдам беради.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-маданий хусусияти доимо унинг кўп миллатлилиги, кўп маданиятлилиги билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган. Бугунги кунда нафақат филологик, балки психологик, социолингвистик, педагогик тадқиқотларнинг икки тиллилик шароитида болалар нутқининг турли жиҳатларини ривожлантиришга қаратилганлиги, бунга боғлиқ замонавий ёндашувларни таҳлил қилиниши, ўз-ўзидан, бу масаланинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар диққат марказида эканлигини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Dörnyei Z. & Ushioda E. (2009) *Motivation, Language Identity and the L2 Self*. - ISBN-13: 978-1-84769-128-6 (hbk): Printed and bound in Great Britain by MPG Books Ltd – P. 364.
2. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С.68.

3. Максудова Х.Ф. Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий лаёқатини ривожлантириш: п.ф.ф.д (PhD) дисс. - Т., 2021. -Б-154.

4. Оманов П. Инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш: пед. фан. б-ча фалсафа докт.дис-яси (PhD). – Тошкент, 2021. – 24-25-б.